

15. Постановлением Кабинета Министров №544 от 27.08.2021 г. «О введении в действие порядка расчета стоимости минимальных потребительских расходов»// <https://lex.uz/uz/docs/5609251>

16. United Nations Global SDG Database

17. Постановление Министерства финансов, Министерства внутренних дел, Министерства обороны, Министерства по чрезвычайным ситуациям, Службы национальной безопасности и Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан «Об утверждении положения о порядке выплаты пенсий работающим пенсионерам» от 30 марта 2011 года №№ ,84 ,2 ,26 ,27 31-5/02-01 ,126 // <https://lex.uz/acts/1783541>

КАМБАГАЛЛИК, ТЕНГСИЗЛИК, ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА БЮДЖЕТ ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

THE INTERACTION OF POVERTY, INEQUALITY, ECONOMIC DEVELOPMENT AND BUDGETARY OPPORTUNITIES

ВЗАИМОСВЯЗЬ БЕДНОСТИ, НЕРАВЕНСТВА, ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ И БЮДЖЕТНЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ

Мусаева Зиёда Аллаяровна-

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Иқтисодиётда математик методлар”
кафедраси таянч докторанти, Ўзбекистон*

Аннотация: Мақолада камбағаллик, тенгсизлик, иқтисодий ривожланиш ва бюджет имкониятларининг ўзаро таъсирилари ва камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари изоҳлаб берилган. Асосий урғу истеъмол ва даромадлар ўртасидаги номутаносибликка қаратилган ва камбағалликни қисқартириш субъектив ва объектив жараёнлар таъсирида кечиши изоҳланган.

Калит сўзлар: Камбағаллик, глобал қашшоқлик, аҳоли бандлиги, иқтисодий ривожланиш

Abstract: The article explains the effects of poverty, inequality, economic development and the interaction of budgetary opportunities and the reasons for the origin of poverty. The main emphasis is on the imbalance between consumption and income, and it has been commented that poverty reduction is influenced by subjective and objective processes.

Keywords: poverty, global poverty, population employment, economic development

Кириш.

Тадқиқотнинг долзарбилиги камбағаллик феномени ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири. Шу билан боғлиқ: ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тизими니 такомиллаштириш (глобаллашув тенденциялари, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши, сиёсий ва иқтисодий интеграция ва бошқалар), илмий-техник тараққиёт (телекоммуникация технологияларининг ривожланиши, ахборот жамия-

тининг пайдо бўлиши ва ривожланиши) уни камроқ кескинлаштиради. Ривожланаётган мамлакатларда камбагалликнинг таҳликали динамикаси нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва сиёсий характердаги муаммоларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, камбағаллик сабабларига мурожаат қилган ҳолда, кўпинча миллий менталитет, этник-маданий ва диний анъаналар соҳасида ётадиган иқтисодий омилларни эмас, балки маданий омилларнинг таъсирини кўриш мумкин.

Шунга кўра, камбагаллик муаммоси замонавий илм-фан томонидан тизимли муаммо сифатида қаралмоқда.

Камбагалликни бир-бирига боғлиқ элементлар ва алоқаларни ўз ичига олган маълум қонунларга бўйсунадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими сифатида қараш керак. Камбагаллик фақат иқтисодий механизмларнинг, хусусан даромадларни фарқлаш механизмларининг таъсири натижасида изоҳланадиган ёндашув иқтисодий фан ривожлантиришнинг долзарб вазифаларига жавоб бермайди, чунки у фақат тўғридан-тўғри баёнотга асосланган фактлар ва камбагалликнинг “ҳаракатлантирувчи кучлари”нинг бутун мажмуасини (сабаблари, динамикаси омиллари) аниқлашга имкон бермайди ва шунинг учун унинг намоён бўлишини йўқ қилишнинг самарали стратегиясини шакллантиришга тўскىнлик қиласди.

Иқтисодий ривожланиш шароитида камбагалликни қисқартириш бўйича кўплаб қоидаларнинг муаммоли хусусияти илмий мунозаралар учун майдон яратади ва замонавий иқтисодий тизимда камбагалликни янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси.

Илмий тадқиқот давомида илмий абстракциялаш, анализ ва синтез усулларидан самарали фойдаланилган.

Иқтисодий ривожланиш ўз-ўзидан аҳоли фаровонлигини бир хилда ўсишига ва тенгсизликнинг камайишига олиб келмайди. **Камбагаллик**, тенгсизлик ва иқтисодий ривожланиш тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирига таъсир қиласди. Иқтисодий ўсишнинг қашшоқлик ва тенгсизлик даражасига таъсири ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин. Хусусан, иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг айrim тармоқларининг но-текис ривожланишига, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий ўсишнинг айrim манбаларига қарамлигини чуқурлаштиришга бу эса, ўз навбатида, тенгсизликнинг кучайишига олиб келади.

Иқтисодий ўсиш манбаларига қарамликнинг кучайиши капитал ва малакали меҳнат ўртасидаги бир-бирини тўлдириш, технологик ўзгаришлар билан боғлиқ малакалар ва умумий

даромаддаги капитал улушкини ошириш каби омиллар туфайли тенгсизликни оширади. Бунда давлат сиёсати рақобатни кучайтириш ва коррупсияни камайтиришга қаратилиши керак, бу эса ўз навбатида тенгсизликнинг камайишига олиб келади. Бошқа томондан, иқтисодий ўсиш аҳоли бандлигини ва бизнесни ривожлантириш имкониятларини оширишга, мамлакат ичидага қайта тақсимлаш учун ресурсларни кўпайтиришга олиб келади. Буларнинг барчаси тенгсизлик ва умуман қашшоқлик даражасини пасайтиришга ёрдам беради.

Ушбу масалалар бўйича Жаҳон банки томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, иқтисодчилар Devid Dollar ва Aart Kraay иқтисодий ўсишнинг қашшоқликка таъсирини ўрганиб, аҳолининг энг камбағал қатламлари даромадлари ўртача умумий ўртача даромад билан бир хил даражада ўсади деган хulosага келишди. Ўрганишлар шундан далолат берадики, бу ҳодисалар турли минтақаларда ва турли даврларда кузатилади ҳамда мамлакат даражасига кўплаб омиллар билан белгиланади, бу эса, ўз навбатида, қашшоқликни бартараф этишда иқтисодий ўсиш муҳимлигини исботлайди. Шундай қилиб, сўнгги ўн йилликлар тадқиқотлари иқтисодий ривожланиш, аҳоли ўртасига тенгсизлик ва фаровонликнинг бир хилда ўсиши тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини аниқ кўрсатмоқда. Бу уч масаладан фақат биттасини ҳал қилишга қаратилган иқтисодий ва сиёсий чоратадбирлар қолган иккитасига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатди.

Бу борада Жаҳон банкининг собиқ бош иқтисодчиси Francois Bourguignon “Учбурчак: қашшоқлик-иқтисодий ўсиш-тенгсизлик” иқтисодий моделини яратди, унинг асоси дунёда қашшоқлик даражасининг ўзгаришини мамлакатни тўлиқ даромадларнинг ўсиши ва даромадлар тенгсизлиги билан аниқлаш мумкин деган ғояга асосланади. Бу модельни ўрганишларга кўра, бир томондан, даромадларнинг умумий даражаси ва иқтисодий ўсиш, иккинчи томондан, мамлакатда тақсимлаш ва қайта тақсимланишининг ўзгариши бир-бирига таъсир қилишини ифода этади. Ҳар иккала ҳодиса ҳам ўз навбатида мутлоқ

қашшоқлик даражасига ҳам, умуман қашшоқликнинг қисқаришига ҳам таъсир кўрсатади.

Бу жараёнларни иқтисодий таҳлил қилиш ва мамлакатда иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида ҳисобга олиш зарур. Ушбу моделда қашшоқликнинг ўсиши иқтисодий ўсиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси сифатида аниқланади (, бу ерда иқтисодий ўсиш аҳоли жон бошига даромад даражаси ва тенгсизлик билан яъни, Жини индекси бўйича белгиланади. Тенгсизлик ва иқтисодий ўсиш бир-бирига ўтади ва иккалasi ҳам мутлоқ қашшоқлик даражасига таъсир қиласди. Яъни, тенгсизликнинг ўсиши бевосита мамлакатда мутлоқ қашшоқлик даражасининг ошишига олиб келади. Тенгсизлик даражасининг ўзгариши мутлоқ қашшоқликка икки йўл орқали таъсир қиласди:

1) нисбий қашшоқлик даражасининг ўзгариши автоматик равишда мутлақ қашшоқлик даражасига таъсир қиласди ва шу билан камбағаллик чегарасидан паст бўлган одамлар сонига таъсир қиласди;

2) нисбий қашшоқликнинг ўзгариши қашшоқлик ўсишининг эластиклигига таъсир қиласди.

Тадқиқот натижалари.

Ўрганишлар шундан далолат берадики, мамлакат иқтисодиётiga киритилаётган инвестициялар иқтисодий ўсиш ва мамлакат аҳолиси фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакат инфратузилмасига давлат инвестициялари даромадларнинг сезиларли ўсишига олиб келиши ва умумий иқтисодий ўсишни сезиларли даражада тезлаштириши мумкин. Лекин давлат нафақат давлат инвестициялари даражасини тартибга солиши, балки хусусий инвестицияларга, яъни солиқ сиёсати орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Фискал сиёсат рафбатлантиришга ёки аксинча, иқтисодиётнинг хусусий секторига инвестицияларнинг камайишига олиб келиши мумкин. Масалан, сармоядан олинган даромадларни солиқка тортиш инвестицияларга салбий таъсир кўрсатади, чунки бу, бир томондан, жисмоний шахсларнинг жамғармаларидан олинадиган фойдани камайтиради, иккинчи томондан, юридик шахслар учун инвестициялойиҳаларининг грантабеллик даражасидан фойдани камайтиради.


(1.2.1-расм).



1-расм. Қашшоқлик, тенгсизлик ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик ва уларнинг ўзаро таъсири

Агар ҳукумат ўз саъй-ҳаракатларини фақат юқорида қайд этилган мақсадлардан бирига эришишга қаратса, мутлоқ қашшоқликни камайтиришга эришиш жуда қийин бўлади. Ҳозирги вақтда “учбурчак” модель кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларнинг ривожланиш стратегияларини ишлабчиқишидақўлланилади. Қашшоқликнинг мамлакатнинг жисмоний ёки инсон капиталини тўплаш қобилиятига таъсири салбийдир. Қашшоқлик тузоғи бозор самарасизлиги (қатъий нархлар, кредитлаш нормалари, рисклар, суғурта етишмаслиги,

камбағаллар одатда хавфли иқтисодий қарорлар қабул қилмайди) ва институционал муваффақиятсизликлар (фуқаролар низолари, коррупция) туфайли юзага келади. Humberto Lopes ва Luis Serven ўзларининг ““Ўсиш учун жуда камбағал” асарларида қашшоқликнинг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилиб, қашшоқликнинг иқтисодий ўсишга сезиларли салбий таъсири бор”¹ – деган хуносага келишди. Кам таъминланган аҳоли сонининг 10 фоизга кўпайиши иқтисодий ўсишнинг 1 фоиз пунктга пасайишига олиб келади (-1.2.2расм).




2-расм. Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши

2-расмда келтирилган маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши 2001 йилга нисбатан 2010 йилга нисбатан биринчи марта 10,0 фоизга яқин (аниқроғи 9,8 фоиз) камайган. Бу эса ўша даврга нисбатан

иқтисодий ўсиш 1,0 фоизга ошган бўлиши керак. 2021 йилда эса 10,5 фоизга камайганини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида, юқоридаги назарияга кўра, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсишини 1,05 фоизга ўсишини белгилайди (-1.2.3расм).

¹ Humberto L., Luis S. Too poor to grow. The World Bank. WPS5012. Washington D.C. 2009.



3-расм. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиши

3-расмда келтирилган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиши бўйича маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йилда 2001 йилга нисбатан 2,9 фоизга ўсан бўлиб, назарияга нисбатан 0,98 фоизга тенг бўлиши керак эди. 2021 йилга келиб эса 2001 йилга нисбатан Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши 10,5 фоизга камайган бўлиб, назария бўйича 2001 йилга нисбатан иқтисодий ўсиш 1,05 фоизга ошган бўлиши лозим бўлиб, ҳақиқатда 3,2 фоизга ўсан. Бундан хуоса қилиш мумкин-ки, келтирилган назариялар ҳар қачон ҳам амалиётга тўғри келавермайди.

Давлат харажатлари фақат аҳолининг маълум бир гуруҳига таъсир қилиши мумкин. Хусусан, инфратузилмани ёки агросаноат комплексини ривожлантириш лойиҳаларини давлат томонидан молиялаштирилиши кўп сонли ишчилар бандлиги ва даромадларининг ошишига олиб келади. Аммо давлат музей қурилиши каби айрим ихтисослаштирилган лойиҳаларни молиялаштиришга қарор қиласа, у фақат оз сонли мутахассисларни кўллаб-куватлади ва мамлакатнинг умумий талаби ҳамда меҳнат бозорига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Камбағаллик даражасини пасайтириш учун кўпинча давлат харажатларини таркибий ўзгартириш ва аҳолини кўллаб-куватлашнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш каби воситалар ҳолатланилади.

Таҳлиллар.

Шундай қилиб, давлат харажатларини таркибий ўзгартириш инсон капиталини ривожлантиришга ижобий ҳисса қўшиши мумкин ва мамлакатда қашшоқликни камайтиришга узоқ муддатли таъсир кўрсатади. Жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим фойдасига харажатларни қайта қуриш ушбу аниқ даврда қашшоқликни камайтиришга таъсир қиласи ва келажакда аҳолининг қашшоқлашуви ривожланишининг олдини олишга ёрдам беради. Қайта қуриш, шунингдек, инфратузилмага инвестицияларни кўпайтиришга ёрдам беради, бу эса тезроқ иқтисодий ўсишга олиб келади. Мақсадли субсидия дастурларини жорий этиш, камбағалликни қисқартиришга тезда таъсир қиласи. Кўп ҳолларда маълум фискал воситалардан фойдаланиш кўпинча иқтисодий ёки ижтимоий эҳтиёжларга эмас, балки давлат амалдорларининг сиёсий мақсадлари ва имтиёзларига, шунингдек, сайловолди ташвиқоти даврига боғлиқ бўлади.

Таъкидлашкоизки, молиявий ислоҳотлар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Бу одатда мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларига ҳамда ислоҳотлар турига боғлиқ. Билвосита таъсир кўп каналлар орқали узатиладиган ислоҳотнинг соғ самарааси охир-оқибат уй хўжалиги даражасида хатти-харакатларнинг ўзгаришига олиб келадиган ҳолатларда муҳим бўлиши мумкин. Кучлироқ

билвосита таъсир кўрсатадиган ислоҳотлар:

– макроиқтисодий ва фискал ислоҳотлар: пул-кредит ислоҳотлари инфляция ва фоиз ставкаларига, ташқи сиёсатдаги ислоҳотлар мамлакатдаги тўлов баланси ва захираларига ҳамда фискал ислоҳотлар фискал тақчилликка таъсир қиласди;

– ташқи савдо ва валюта курси ислоҳоти билан боғлиқ ислоҳотлар: тарифлар ва тарифсиз тўсиқларни ислоҳ қилиш ҳамда валюта курсини мослаштириш;

– қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар: тарртибга солинадиган нархларни тутгатиш ҳамда ички субсидиялар ва солиқлардаги ўзгаришлар;

– молия секторидаги ислоҳотлар: фоиз ставкаларини либераллаштириш, кредит тақсимоти, кириш тўсиқларини камайтириш ва тартибга солиш ислоҳотлари. Шунингдек, турмуш даражасини оширишга камроқ билвосита таъсир кўрсатадиган ислоҳотлар:

– давлат молиясини ислоҳ қилиш: давлат харажатларини тақсимлаш ва даражасидаги ўзгаришлар, давлат даромадлари дараҷаси ҳамда таркибидаги ўзгаришлар, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш;

– ер ислоҳоти: ерсизлар фойдасига тақсимлаш, ерга эгалик қилиш, айирбошлаш ва мерос қилиб олиш хуқуқининг қонунийлиги ўзгарганда;

– коммунал иқтисодиётни ислоҳ қилиш: давлат коммунал корхоналарини қайта қуриш ва хусусий иштирокни ошириш;

– молия секторидаги ислоҳотлар: давлат банкларини хусусийлаштириш ёки ёпиш, камтаъминланганларга хизмат кўрсатадиган молиявий институтларни қўллаб-куватлаш;

– хусусийлаштириш: активларни ижараага бериш ва хусусий бошқарув шартномалари ва тўлиқ хусусийлаштириш;

– давлат хизматини қисқартириш: ишдан бўшатиш, иш ҳақини камайтириш ва давлат хизматларини марказлизлаштириш;

– ижтимоий таъминот: мақсадли пул ва нақд пул ўтказмалари даги ўзгаришлар, муҳтоҷ гуруҳларга ёрдам бериш ҳамда ижтимоий нафақалар;

– пенсиялар: миллий схемаларни қисқартириш, нодавлат пенсия таъминотини ошириш, энг камбағал пенсионерларга пул ёрда-

ми каби ижтимоий пенсияларни жорий этиш.

Таъкидлаш жоизки, фискал ислоҳотлар аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатадиган инсон капиталини ривожлантириш, меҳнат бозори, инвестициялар ва солиқ каби учта асосий канални ажратиб кўрсатиш мумкин. Молиявий сиёсатнинг муҳим вазифаси бу – мамлакат фуқароларига ривожланиш ва уларнинг тўлиқ салоҳиятига эришиш учун тенг имкониятларни таъминлашдан иборат, чунки меҳнат ресурслари мамлакат барқарор ривожланишининг асосий таркибий қисмидир.

Таълим даражасининг пастлиги ва тиббиётдан фойдаланишининг чекланганлиги аҳолининг янада қашшоқлашишига ҳамда тенгсизликнинг кучайишига олиб келади. Шунинг учун, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун таълим ва тиббиёт мавжудлигини таъминлаш солиқ-бюджет сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлиши керак. Бу борадаги ислоҳотлар таълимга давлат сармоясини кўпайтириш, белуп асосий тиббий хизматларни ривожлантиришни ўз ичига олади. Бандлик ва ишсизлик даражасига таъсир аҳоли даромадларига бевосита таъсир қилишнинг асосий каналларидан биридир. Бу борада, меҳнатга ҳақ тўланадиган солиқларнинг камайиши меҳнатга ҳақ тўлашнинг якуний миқдорининг ошишига олиб келади ва бунинг натижасида бандлик ўсишини рағбатлантиради.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, даромадларнинг табақаланиши жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатининг энг муҳим белгиси бўлиб, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг умумий ижтимоий даромади улушларда фарқ даражасини кўрсатади. Дифференциацияларни тутган ўрни ҳамда унинг натижаларини белгилаш, меҳнат характери, турмуш тарзи ва ҳоказоларга қараб муқарар ижтимоий фарқларни акс эттиради. Даромадлар тенгсизлиги харажатлар ва истеъмоддаги тенгсизликни белгилайди, камбағаллик ва ижтимоий четланишни келтириб чиқаради. Турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартиришда ишсизлик даражасини пасайтириш, меҳнат бозорига

қўшимча фаол дастурларни жорий этиш, аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш, давлат ёрдами дастурлари ва лойиҳасини такомиллаштиришга ёрдам беради. Аҳолининг қариши ва миграция ўзгаришларининг бугунги шароитида ёшлар, аёллар, кекса ишчилар, шунингдек, паст малакали ходимлар бундай

дастурларнинг муҳим мақсадли гуруҳлари ҳисобланиши лозим. Бундай чора-тадбирлар қаторида аёлларнинг иш ҳақи бўйича самарали солиқ ставкасини пасайтириш, ишсиз ёшларни иш билан таъминлашни субсидиялаш, болалар муассасаларини ривожлантириш ва ҳоказоларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Dollar D., Kraay A. Growth still is good for the poor. The World Bank, WPS6568, Washington D.C. 2013.
2. Bourguignon. F. The poverty-growth-inequality triangle. The World Bank. Washington D.C. 2004.
3. Humberto L, Luis S. Too poor to grow. The World Bank. WPS5012. Washington D.C. 2009

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE TEXTILE INDUSTRY IN THE NATIONAL ECONOMY

Охунова Ойгул Усмонжон қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч
докторанти,

Аннотация: Ушбу мақоланинг асосий мақсади тўқимачилик саноатининг Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётидаги ролини таҳлил қилишdir.

Мақолада ушбу соҳанинг ҳозирги даврдагитузилмаси ҳамда тармоқнинг миллий иқтисодий категориялар: ялпи ички маҳсулот, бандлик даражаси ва экспортта таъсирини кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: тўқимачилик саноати, ялпи ички маҳсулот, экспорт, бандлик, пахта-тўқимачилик кластери, инновация.

Аннотация: Основной целью данной статьи является анализ роли текстильной промышленности в народном хозяйстве Республики Узбекистан.

В статье рассматривается современная структура данной отрасли и ее влияние на народнохозяйственные категории как: валовой внутренний продукт, уровень занятости и экспорт.

Ключевые слова: текстильная промышленность, валовой внутренний продукт, экспорт, занятость, хлопково-текстильный кластер, инновации.

Abstract: The focus of this paper is the analysis of the role of the textile industry in the national economy of the Republic of Uzbekistan.

The main objective is to consider what determines the actual structure in this particular industry and how it affects the national economic categories, such as: the gross domestic product, exports and the level of employment.

Keywords: textile industry, gross domestic product, exports, employment, cotton-textile cluster, innovations.